Ўз вактида ого^лантириш, куткариш ва ёрдам бериш — бурчимиз!

# VAZIYAT

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги нашри

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган • e-mail: vaziyat@inbox.uz • 2019 йил 17 январь № 3 (687)

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 27 ЙИЛЛИГИ ВА ВАТАН ХИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

Хурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Куролли Кучларимизнинг мухтарам фахрийлари!

Кадрли юртдошлар!

Сизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халкимизни Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ташкил этилганининг 27 йиллиги ва Ватан химоячилари куни билан чин калбимдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу кутлуг айёмда ўз хаётини Ватан химоясидек улуг ишга багишлаган сиз, азму шижоатли харбийларимизни шарафлаб, халкимиз, мамлакатимиз тинчлиги ва хавфсизлиги йўлидаги хизматларингиз учун барчангизга чукур миннатдорлик билдираман.

Мутафаккир шоир Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, бу дунёда эр йигитнинг энг буюк, эзгу ва мукаддас вазифаси, аввало, ўз оиласи, Ватани ва халкини муносиб химоя килишдан иборатдир.

Биз сизлар билан - ана шундай гоят масъулиятли ва олижаноб вазифани шараф билан адо этиб келаётган мард ва жасур, эл-юртга садокатли ўглонларимиз билан хакли равишда фахрланамиз.

Айнан сизларнинг ерда ва кўкда, сувда ва курукликда олиб бораётган мардона хизматларингиз туфайли осмонимиз мусаффо, болаларимиз, мўътабар оналаримиз, кексаларимиз хотиржам яшамокда, юртимиз обод, халкимиз хаёти фаровон бўлмокда.

Фурсатдан фойдаланиб, ўз фарзандларини - Куролли Кучларимизнинг аскар ва офицерларини Алпомишдек ботир, чинакам ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаган барча ота-оналарга, харбийларимиз билан хаёт кувончи ва ташвишларини доимо бахам кўриб келаётган уларнинг рафикалари ва оила аъзоларига катта рахмат айтишни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Мухтарам ватандошлар!

Мана шу байрам кунларида барчамиз Ватан, халк ва армия бири-бирига накадар якин ва муштарак эканини хар качонгидан хам теран хис этмокдамиз.

Бу борада армия ва халк бирлигини таъминлашга каратилган мутлако янги тузилма - харбий-маъмурий секторлар барча худудларда самарали фаолият юритаётгани гоят мухим ахамиятга эга бўлмокда.

Ана шундай ислохотлар туфайли **"Армия ва халк - бир тану бир жон!"** деган олижаноб гоя ва амалий харакат барча бўгиндаги хокимият ва бошкарув идоралари, махалла, ёшлар, хотин-кизлар, нуронийлар ташкилотлари, таълим-тарбия муассасалари фаолиятини, кенг жамоатчилик хаётини камраб олмокда. Бу эса Ватан химояси чиндан хам барчамизнинг нафакат вазифамиз, балки шарафли бурчимизга айланиб бораётганидан яккол далолат беради.

Кадрли дўстлар!

Дунё микёсида халкаро терроризм, экстремизм каби хавф-хатарлар, миллий ва глобал хавфсизликка карши тахдидлар тобора ортиб бораётган хозирги мураккаб даврда Куролли Кучларимизнинг жанговар салохиятини юксалтириш, унинг моддий-техник базасини мустахкамлаш, замонавий курол-ярог ва аслахалар билан таъминлаш, харбий хизматчиларнинг

*(Давоми 2-бетда)*

# ЭЪТИБОР, ЭХТИРОМ, ЭЪТИРОФ



Жорий йилнинг 14 январь куни мамлакатимиз Куролли Кучлари ташкил топганлигига 27 йил тўлди. Мазкур сана муносабати билан шу куни Фавкулодда вазиятлар вазирлигида тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Унда вазирлик рахбарияти, марказий аппарат харбий хизматчи ва хизматчилари, ОАВ ходимлари иштирок этдилар.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Фавкулодда вазиятлар вазири в.б. Т.Худайбергенов кириш сўзи билан очди ва барчани байрам муносабати билан кизгин кутлади.

Вазир сўзида таъкидланганидек, ФВВ тизими харбий хизматчилари ва хизматчилари бугунги кунда "Ўз вактида огохлантириш, куткариш ва ёрдам бериш" шиори остида ахоли ва худудларни фавкулодда вазиятлардан мухофаза килишда бор куч-имкониятларини сафарбар килиб келмокдалар.

Бу жараёнда, албатта, Юртбошимиз рахнамоликлари остида барча сохалар катори, Ўзбекистон Республикаси Фавкулодда вазиятлар вазирлиги тизимида олиб борилаётган тубдан такомиллаштириш билан боглик ислохотларни алохида эътироф этиш зарур. Ахоли ва худудларни фавкулодда вазиятлардан мухофаза килиш ишларини юкори савияда ташкиллаштириш, ахолини ўз вактида огохлантириш, куткариш ва ёрдам бериш, куткарув тузилмалари фаолиятини янада такомиллаштириш, куткарувчилар ва уларнинг оиласини ижтимоий химоялаш, кўллаб-кувватлашдек эзгу амалий саъй-харакатлар бундан кейин хам вазирлик фаолияти учун бош мезон бўлиб колаверади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига асосан вазирликнинг тўрт нафар ходими давлат мукофотлари билан такдирланди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ФВВ хузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази бўлим бошлиги Абдумаликов Абдумажит Худайберганович, ФВВ Фавкулодда вазиятлар Давлат тизимини назорат килиш хизмати бошлиги полковник Махамадзияев Тапил Равшановичлар "Содик хизматлари учун", Андижон вилояти ФВБ йурикчи-куткарувчиси Рахимов Рустамбек Рузибоевич, Коракалпогистон Республикаси ФВБ фельдшер-куткарувчиси Утегенов Алляр Утебаевичлар "Шухрат" медаллари билан мукофотландилар. Шунингдек, бир гурух харбий хизматчилар навбатдаги харбий унвонларга эга бўлдилар.

Такдирланганларга мукофотлар ва харбий унвонлар тантанали равишда топширилди.

*Ўз мухбиримиз*



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 27 ЙИЛЛИГИ ВА ВАТАН ХИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

жисмоний, маънавий-интеллектуал тайёргарлигини ошириш, ижтимоий химоясини кучайтириш энг устувор вазифамиз бўлиб холмоқда.

Давлатимизнинг харбий-сиёсий масалалар бўйича хатъий позициясини ифода этадиган янги Мудофаа доктринаси ишлаб чиқилди. Амалга оширилаётган туб ислохотлар натижасида миллий армиямиз тезкор ва ихчам, хар хандай тахдидларга муносиб зарба беришга ходир бўлган жанговар кучга айланиб бормохда.

Барчамиз яхши англаймиз: бу борада хар бир харбий хизматчининг профессионал билим ва малакаси, ахлий салохияти, рухий тайёргарлигини ошириш, уларда ватанпарварлик фазилатларини камол топтириш ўта мухим ахамиятга эгадир.

Биз давлатимиз мудофаа худратини хар томонлама ошириш, етук ва малакали харбий кадрларни тайёрлашга, Ватан химоячилари, уларнинг оилалари учун муносиб хаёт шароитларини яратишга бундан кейин хам алохида эътибор харатамиз. Масалан, 2019 йилнинг ўзида харбий хизматчилар учун имтиёзли кредитлар асосида 116 та кўп хавтли уй фойдаланишга топширилади. Харбий хизматчиларнинг 700 дан зиёд фарзандлари олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида ўхишга хабул хилинади. Шунингдек, харбий шахарчаларни обод хилиш, уларнинг худудида замонавий инфратузилмалар барпо этиш бўйича олиб борилаётган кенг куламли ишлар изчил давом эттирилади.

Халхимизнинг **"Билаги зўр бирни енгади, билими зўр - мингни"** деган махолида чухур маъно бор. Шу нухтаи назардан, Куролли Кучларимизни модернизация хилиш, хусусан, харбий таълим сохасига замонавий билим, илгор хорижий тажрибалар, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича бошлаган ишларимизни янги босхичга кўтаришимиз зарур.

Айни вахтда шахсий таркиб ўртасида миллий ўзликни англаш ва жанговар рухни, ватанпарварлик тарбиясини кучайтириш, харбий хизматчиларнинг интеллектуал салохиятини юксалтириш хам доимо эътиборимиз марказида бўлиши лозим. Шу махсадда ёш аскар ва курсантлар учун харбий хасамёд хабул хилишдан аввал "Ўзбекистон тарихи" фани ва "Темур тузуклари" китоби бўйича синов ўтказиш тартибини йўлга хўйиш махсадга мувофихдир.

Халхимиз, айнихса, ёшлар ўртасида харбий-ватанпарварлик тарбиясини кучайтириш, ушбу сохадаги хадрият ва анъаналаримизни тарғиб этиш, аскар ва офицерларимизнинг замон хахрамонлари сифатидаги хиёфасини бадиий асарлар, спектакль ва фильмлар орхали кенг ёритиб бериш алохида ахамиятга эга. Бу борада танихли олимлар, адиб ва шоирларимиз, ижодкор зиёлилар, маданият намояндалари янада самарали фаолият олиб борадилар, деб ишонч билдираман.

Кадрли юртдошлар!

Мард ва жасур Ватан химоячилари!

Сизларни ота-оналарингиз, оилаларингиз, бутун халхимиз билан биргаликда кенг нишонлаётган бугунги шону шараф айёми - Ватан химоячилари куни билан яна бир бор табриклар эканман, сизларга сихат-саломатлик, оилавий бахт, олижаноб ва масъулиятли фаолиятингизда улкан ютухлар тилайман.

Барчангизга эл-юртимизнинг юксак мехри ва ишончи доимо ёр бўлсин!

***Шавкат МИРЗИЁЕВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Президенти,***
***Куролли Кучлар олий Бош Кумондони***

# МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Мамлакатимизнинг мудофаа худратини янада юксалтириш, давлат хавфсизлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш ишларига хўшаётган катта хиссаси, миллий манфаатларимизни химоя хилиш хамда тинчлик, бархарорлик ва жамоат тартибини таъминлаш борасидаги хизмат бурчини бажаришда мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 январдаги "Куролли Кучларнинг 27 йиллиги ва Ватан химоячилари куни муносабати билан хуххухни мухофаза хилиш органлари, Мудофаа ва Фавхулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гурухини мукофотлаш тўгрисида"ги Фармонига асосан Фавхулодда вазиятлар вазирлигининг бир гурух ходимлари юксак давлат мукофотлари билан тахдирландилар.

Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси ФВВ хузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази бўлим бошлиги Абдумаликов Абдумажит Худайберганович, ФВВ Фавхулодда вазиятлар Давлат тизимини назорат хилиш хизмати бошлиги полковник Махамадзияев Тапил Равшановичлар **"Содик хизматлари учун"**, Корахалпогистон Республикаси ФВБ Кутхарув отряди фельдшер-хутхарувчиси Утегенов Алляр Утебаевич, Андижон вилояти ФВБ Кутхарув отряди йўрихчи-хутхарувчиси Рахимов Рустамбек Рузибоевичлар "Шухрат" медаллари билан тахдирландилар.

Тахдирланганларни самимий хутлаган холда келгусидаги хайрли ва масъулиятли хизматларида омад ва муваффахиятлар тилаймиз.

***ФВВ рахбарияти ва шахсий таркиби***

# ЮКСАК МАРРАЛАРГА ДАЪВАТ

Мамлакатмиз Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар натижаси, истихболда стратегик йўналишларда бажарилиши лозим бўлган махсадли вазифаларга тўхталиб ўтилди. Давлатимиз рахбари, олдимизда турган улкан амалий ишларни бажаришимиз учун биргаликда хаттих мехнат хилишимиз кераклиги, бу йўлда бизга ишонч ва илхом, гайрат ва шижоат берадиган бехиёс бир куч-худрат борлиги, бу - хаёт синовларида тобланган, сўзида хатъий турадиган, ишнинг кўзини биладиган, мехнаткаш, мард ва матонатли халхимиз турганлигини алохида таъкидлаб ўтдилар.

Ўзини, хахихий маънода, шу юртнинг фарзандиман, деб хисобловчи фухароларимиз, мазкур Мурожаатномада айтиб ўтилган хар бир масалага жиддий эътиборини харатиши, хар бир айтилган сўзларга ўзининг самимий мехнати билан жавоб беришлари лозим. Негаки, бу юрт барчамизники, унинг яхши-ю, ёмони хам хаммамизники. Президентимиз доим эътироф этганларидек, лохайдлик, эътиборсизлик биз учун бегона унсур бўлиши лозим.

Маърузанинг бошланишида, Давлатимиз рахбари томонидан буюк бобокалонимиз Имом Бухорий хазратларининг "Ал-Жомеъ ас-Сахих асари"даги, "Барча эзгу амаллар ниятга боглих, хар бир кишига фахат ният хилган нарсаси берилади" деган хадисга тўхталиб ўтилганлигида биз хар бир амалга оширилаётган хайрли ишларнинг негизини самимий ният ташкил этишни яххол сезамиз.

Мурожаатноманинг ўзига хослиги шундаки, халхчил бўлиб, хўлга киритилган ютухлар билан бирга, амалга ошмай холган баъзи бир йўналишлардаги масалалар хам рўйрост ифодаланган, энг асосийси, хилинаётган ишларнинг мезонида инсонлар манфаатларининг устуворлиги ифодаланган.

Ўтган "Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни хўллаб-хувватлаш йили"даги Давлат дастури доирасида 21 триллион сўм ва 1 миллиард долларга тенг 76 мингта лойиханинг амалга оширганлигининг ўзи кўп нарсадан далолат бериб турибди. Албатта, бу ютухлар ўз-ўзидан, осмондан тушган хадя эмас, балки Президентимизнинг ташаббускорлиги, келажакни узохдан кўра билиши хамда захматкаш халхимизнинг бевосита мехнати эвазига десак, айни хахихат бўлади.

Хозирги кунда дунёда ўз мавхеига эга бўлган Россия, Хитой, АКШ, Корея, Франция каби давлатлар билан кенг жабхадаги ўзаро хамкорлигимиз ривожланишимиз, албатта, ўз олдимизга хўйган улкан махсадларимизнинг самарали амалга ошишида бевосита ёрдам беради. Шунингдек, хўшни давлатларимиз — Козогистон, Туркманистон, Тожикистон, Киргизистон, Афгонистон билан ўзаро хамкорлигимизнинг юксалиши хам олдимиздаги режаларимизнинг бажарилишида юксак даражада кўмак беради.

Албатта, юртнинг тинчлиги, фухароларнинг осойишта, хотиржам яшашини таъминлаш давлат олдида турган пировард вазифалардан бири хисобланади. Шундан келиб чиххан холда, Давлатимиз рахбарининг Конституциямиз хабул хилинганлигининг 26 йиллигига батишланган маърузасида фухароларимиз тин - члиги, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, Ички ишлар ва Миллий гвардия хўшинлари бўлинмаларини хар томонлама хўллаб-хувватлаш бўйича хам хатор ижобий ишлар хилинганлиги, жамоат тартибини сахлаш ва хуххубузарликнинг барвахт олдини олиш борасидаги саъй-харакатларимиз, аввало, кенг жамоатчиликнинг иштироки билан умумий жиноятчиликнинг 36 фоизга камайтиришга эришилганлиги, холаверса, 3 минг 205 та ёки 35 фоиздан зиёд махаллада бирорта хам жиноят содир этилмаганлигига алохида тўхталиб ўтилди. Ушбу кўрсаткичлар сохада фаолият олиб бораётган тегишли органларнинг самарали мехнатидан далолат беради.

Сохадаги эришилаётган ижобий ўзгаришларни давом эттириш махсадида, Президентимиз томонидан хар бир жиноят ёки хуххубузарликнинг барвахт олдини олиш ва унга харши курашиш бўйича хар хайси худуд ўз тажрибасини яратиши кераклиги, бу борадаги ишлар самарасини ошириш учун Ички ишлар вазири, Миллий гвардия хўмондони ва Бош прокурор республика худудларига шахсан масъул этиб белгиланганлигини хам алохида таъкидлаш лозим.

2019 йилнинг "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" деб номланиши, ўтган 2018 йил — "Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни хўллаб-хувватлаш йили"нинг мантихий давоми хисобланади. Ушбу йилда амалга оширилиши лозим бўлган улкан махсад ва вазифаларни, Давлатимиз рахбари айтганларидек, хар бир рахбар - у вазир ёки марказий идора бошлиги бўладими, депутат ёки сенатор бўладими, компания ёки хўжалик бирлашмаси раиси, вилоят ёки туман хокими бўладими - барча-барчамиз бу ишни энг биринчи вазифа деб билишимиз зарур.

Мурожаатномада барча сохаларда амалга оширилиши лозим бўлган мухим йўналишлар, вазифалар белгилаб берилди. Албатта, бунинг учун хар биримиздан биринчи галда юксак масъулият, тинимсиз мехнат, чин маънодаги фидойилик талаб этилади.

***Капитан Ш.ЗУЛФИКОРОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Карбий-техник институти доценти, юридик фанлар номзоди***

# ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРЛАР



Андижон вилояти Фавкулодда вазиятлар бошхармаси хамда вилоят ИИБ Ёнтин хавфсизлиги бошкармаси ходимлари ўзаро хамкорликда Хўжаобод туманининг "Манак", "Чимбулок", "Хидирчи", "Бобур" МФЙларида бўлиб, ахоли билан юзма-юз сухбат ва ўрганиш ишларини олиб бордилар.

Мазкур тадбирларда фукароларга кўлда ясалган ностандарт иситиш печлари, газ сўртич мосламаларидан фойдаланмаслик, табиий газ тизимига резина шланг оркали уланмаслик, уйда кўп микдорда нефть махсулотларини сакламаслик, мўрикон ва электр ускуналари носоз бўлиб колганда уларни зудлик билан бартараф этиш чораларини кўриш ва яна катор хавфсизлик чора-тадбирлари юзасидан тушунтириш, тавсия хамда кўрсатмалар бериб ўтилди.

Шунингдек, ис гази, унинг юзага келиши, сабаблари, окибатлари хакида тушунчалар берилиб, 360 та эслатма ва 140 та буклетлар таркатилди.

***А.МИРОЛИМОВ,***
***Андижон вилояти ФВБ ходими***

* * *

"Камчик" довонида хамкорликдаги ташкилотлар ва ФВДТ навбатчилик хизматлари иштирокида "Фавкулодда вазиятлар тўтрисидаги кундалик ахборот (маълумот) алмашинуви сифати ва самарадорлигини ошириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш чоралари" мавзусида семинар ўтказилди.

МашҒулотнинг назарий кисмида ахборот (маълумот) алмашинуви сифати ва самарадорлигини янада ошириш бўйича бахс-мунозара ташкил килиниб, мутахассисларга тегишли таклиф ва тавсиялар берилди.

МашҒулотда "Камчик" МККБ харбий хизматчилари ва тезкор навбатчилик гурухи навбатчилари, "Камчик" довонидаги ташкилотлар, ФВДТ навбатчилик хизматлари



ахборот (маълумот) алмашинувининг хукукий-меъёрий асослари, тартиб ва тамойиллари тўтрисида кўргазмали маърузалар ташкил этилди. Амалий боскичда диспетчерлик хизматлари ўртасида масъул шахслари ва тезкор навбатчи диспетчерлари жами бўлиб, 75 нафар ходим катнашди.

***Оддий аскар А.ЦУДРАТОВ,***
***"Камчиц" МКЦБ ходими***

* * *

Тошкент вилояти, Охангарон тумани "Кўксарой" МФЙда мутасадди хизматлар ходимлари хамкорлигида махалла фаоллари хамда МФЙ худудидаги "Эсон-Омон" ошхонаси ходимлари билан "Табиий ва ис газидан захарланишнинг олдини олиш", "Хаво-газ аралашмаси чакнашининг олдини олиш", "Ботулизм ва озик-овкат махсулотларидан захарланишдан



сакланинг!", "Кутуриш касаллиги ва унинг салбий окибатлари" каби мавзуларда сухбат ва тушунтириш ишлари олиб борилди.

Шунингдек, "Чинор" МФЙ фаоллари, 32-сонли умумтаълим мактаби ўкитувчилари, "Камчикавтойўл" ИЙФУК 385-йўл бўлими, "Ангрен-Поп" электрлаштирилган темир йўлининг "Кўл" станцияси рахбарияти ва ишчи-ходимлари билан хам учрашувлар ўтказилиб, мазкур тадбирларда йўл-транспорт ходисалари, табиий ва техноген хусусиятли фавкулодда вазиятларда тУҒри харакат килиш, табиий ва ис газидан захарланишнинг олдини олиш, ботулизм ва озик-овкат махсулотларидан захарланишдан сакланишга оид сухбатлар ўтказилди.

Тадбирлар давомида махсус эслатма ва буклетлар, "Ўзтрансгаз" АЖ "ФарҒонагаз" хамда "Наманганагаз" филиаллари томонидан тайёрланган плакатлар таркатилди.

***Капитан Б.ШАЙКУЛОВ, "Камчиц" МККБ бўлим бошлиги***

* * *

Бухоро вилояти худудидаги кор - хона, ташкилот, муассаса, махалла ва идораларда киш мавсумида газдан фойдаланиш билан боҒлик фавкулодда вазиятларнинг олдини олиш, истеъмолчиларнинг газ асбобларидан тУҒри фойдаланишни техник кўрикдан ўтказиш талабларининг ижросини таъминлаш максадида, вилоят худудида киш мавсумида хаво харорати кескин пасайиб кетганда газ босимининг тушиб кетишини хисобга олиб, хонадонларни иситиш учун ўтин, кўмир захираларини Ғамлаш, хонадонлардаги мавжуд яроксиз газ баллонларини олдиндан тайёрлаб кўйиш, махалла фукаролар йиҒинлари томонидан белгиланган рўйхат асосида суюлтирилган газ баллонларини жадвал асосида етказиб бериш тадбирларига эътибор каратилмокда.

Қиш мавсумида кунларнинг совиб кетиши натижасида газга бўлган талабнинг кескин ошиши, истеъмолчилар томонидан хар хил иситиш воситаларидан фойдаланиш, ўзбошимчалик билан газ тармокларига уланиш, резина шланглар улаш холатлари кузатилади.

Шахар ва туманларда ташкил этилган масъул мутахассислардан иборат ишчи гурухлар томонидан уйма-уй юриб, хонадонлардан газ хисоблагичларни олиб кўйиб, резина шланглар билан газ кувурларини улаб кўйиш, газ таксимлаш курилмаларига ўзбошимчалик билан ўзгартириш киритиш, хеч кандай сертификатга эга бўлмаган кўлбола иситиш воситаларидан фойдаланиш, хонадонлардаги дудбуронларни ўз вахтида тозалатмаслик, электр симларининг очик холатда колиши, турли ўлчамдаги давлат стандартларига жавоб бермайдиган, сертификати бўлмаган газ баллонларидан фойдаланиш холатлари кўриб чикилмокда.

Ушбу тадбир давомида хонадон эгаларининг эътиборсизлиги натижасида аникланган камчиликлар жойида бартараф килиниб, мутахассислар томонидан табиий газдан фойдаланишда хавфсизлик хоидаларига риоя этилмаслиги натижасида турли хил ёнтинлар, газдан чакнаш, газдан захарланиш холатлари хамда газдан захарланган одамни куткаришда риоя килиниши лозим бўлган хоидалар, уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби бўйича тушунтириш ишлари олиб борилмокда. Шунингдек, газ истеъмолчилари ўртасида газдан фойдаланишда хавфсизлик хоидаларига риоя килиш, газ ускуналаридан тўтри фойдаланиш коидалари акс эттирилган эслатма ва буклетлар таркатилмокда.

* * *

Жорий йилнинг 11 январь куни Бухоро вилояти Олот туманидаги Олот касб-хунар коллежида ва туман Халх таълими бўлимига харашли 17-сонли умумтаълим мактабларида семинарлар бўлиб ўтди.



Унда Фавкулодда вазиятлар вазирлиги масъул ходими А.Эшметов хатнашиб, ўз маърузасида айрим жойларда истеъмолчилар томонидан хар хил мосламалар ёрдамида табиий газдан фойдаланиш, ўзбошимчалик билан газ тармокларига уланиш, резина шланглар улаш холатлари учраши хакида тўхталиб утди.

Баъзи хонадонларда газ хисоблагичларни олиб кўйиб, резина шланглар билан газ кувурларини улаб кўйиш, газ анжомларига резина шланглар улаб фойдаланиш, газ таксимлаш курилмаларига ўзбошимчалик билан тегаётганлар, шунингдек, газ идораси билан тузилган шартномага асосан, бир йилда бир маротаба хонадонлардаги газ анжомларига техник хизмат кўрсатиш учун келган газ идораси чилангарига каршилик кўрсатаётган шахслар учраб турибди.

Вилоят ЁХБ ва "Узтрансгаз" АЖнинг Бухоро вилояти бўйича газ таъминоти худудий филиали ходимлари ўз маърузасида вилоят худудида табиий газ билан ботлик бахтсиз ходисаларнинг олдини олиш борасида бир катор ишлар амалга оширилаётганлиги, табиий ва суюлтирилган газлардан эхтиёткорлик билан фойдаланиш зарурлиги хакида айтилиб, мавзуга оид эслатмалар, телевидениеда кўрсатув ва видеороликлар бериб борилаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

***С.ИКМАТОВ, Бухоро вилояти ФВБ ходими***

## Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг 27 йиллиги

# ЯНГИ УЙЛАР — ФАЙЗЛИ УЙЛАР



Юртимизда 14 январь - Ватан химоячилари куни муносабати билан харбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини янги хонадонлар билан такдирлаш эзгу анъанага айланган.

Ана шундай тантаналардан бири Фавкулодда вазиятлар вазирлиги тизимида хам ўзгача шукухда ташкил этилди.

Пойтахтимизнинг Яшнобод туманида замон талаблари асосида бунёд этилган 36 та ёруг ва шинам хонадондан иборат навбатдаги янги турар жой биноси харбий хизматчилар ва уларнинг оилаларига чинакам байрам совгаси бўлди, десак хато бўлмайди.

Ракамларга мурожаат киладиган бўлсак, бугунги кунгача вазирлик тизимида хизмат килиб келаётган харбий хизматчи ва ходимларга жами 571 та мана шундай янги хонадонлар топширилган. Уларнинг 10 таси истеъфодаги харбий хизматчилар, 45 таси ёш оилалар, 2 таси эса хизмат вактида халок бўлган харбий хизматчилар оилаларини ташкил килади.

Хаяжонли лахзалар... Нихоят, бир гурух вазирлик тизими ходимларига янги хонадонларнинг калитлари Ўзбекистон Республикаси Фавкулодда вазиятлар вазири томонидан тантанали равишда топширилди.

- 2019 йил бизнинг оиламизга жуда кувончли келди, - дейди подполковник М.Юнусов. - Сабаби мухтарам Юртбошимиз томонидан мен ва мен каби харбий хизматчиларнинг камтарона хизматлари инобатга олиниб, замонавий талаблар асосида бунёд этилган янги хонадон билан такдирландик. Ушбу эътибор ва гамхўрлик келгусидаги фаолиятимизда бизни янада рухлантириб, юксак марралар сари интилишда куч-кувват, ўзгача шижоат багишлайди.

Ўз навбатида, биз хам янги хонадонлар билан такдирланган хамкасбларимизга "Янги уйлар муборак бўлсин!"-дея тилак билдирган холда, ушбу кутлуг маскан бахт-саодат ошёни бўлиб колишини Яратгандан сўраб коламиз.

***Бацодир ВАЛИЕВ,***
***"Вазият" мухбири***



# МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ БАЙРАМИ

Жорий йилнинг 14 январь куни "Камчик" махсус кидирув-куткарув бошкармаси саф майдонида Ўзбекистон Республикаси Мадхияси садолари остида жанговар байрок кўтарилди.

Шундан сўнг бошкарма мажлислар залида тантанали тадбир ташкил этилди. Унда бошкарма бошлиги полковник Х.Бобонов томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ватан химоячилари куни" муносабати билан байрам табриги ўкиб эшиттирилди. Шунингдек, тантанада куткарувчи касбидек шарафли касб эгаларининг ўтган йил давомида эришган ютуклари сархисоб килиниб, "Камчик" довонида ўз хизмат вазифаларини сидкидилдан бажариб келган, фукароларимиз хавфсизлигини таъминлашда фидойилик ва жасорат кўрсатиб, шахсий таркибга намуна бўлиб келаётган бир гурух ходимлар кимматбахо совгалар, пул мукофотлари хамда фахрий ёрликлар билан такдирландилар.



Тадбир давомида бошкармага бириктирилган Охангарон тумани ХТБга карашли 16-умумтаълим мактабида хамда туман Педагогика ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида ўкувчи-ёшлар иштирокида "Ватан мукаддас, уни химоя килиш шарафли бурчдир!" шиори остида "Мардлик ва жасорат", "Куткарувчилик — шарафли касб" каби мавзуларда бошкарма харбий хизматчилари ва куткарувчилари билан учрашувлар ўтказилди.

***Оддий аскар А.КУДРАТОВ,***
***"Камчик" МККБ ходими***

* * *

Кашкадарё вилояти Карши тумани ХТБга карашли 19-умумтаълим мактабида "Ватан мукаддас, уни химоя хилиш шарафли бурчдир!" шиори остида "Мардлик ва жасорат" мавзусида амалий машгулотлар, кўргазмали чихишлар, учрашувлар ва "Фукаро мухофазаси куни" тадбирлари ўтказилди.




Тадбирлар мактаб жамоаси ва таклиф хилинганлар иштирокида тантанали йигин билан бошланди. Очилиш маросимида вилоят ФВБ бошлигининг биринчи ўринбосари С.Равшанов нутк сўзлади. Кейинги тантаналарда "Фукаро мухофазаси ва ўкувчиларнинг техник ижодкорлиги" кўргазмаси ташкил хилинди. Унда байналминал жангчилар, Чернобель АЭС авариясини бартараф этиш хатнашчилари, нафахадаги харбийлар билан учрашув ўхувчиларда катта таассуротлар холдирди. Шунингдек, тадбирлар доирасида Фукаро мухофазаси бўйича эстафета ўтказилди. Вилоят ФВБ Куткарув отряди хутхарувчиларининг кўргазмали чихишлари, хидирув-хутхарув асбоб-анжомлари намойиши хам ўхувчиларни фавхулодда вазиятларда тўгри харакатланишга оид билимларини янада мустахкамлади.

Мазкур тадбирларда Карши туман ХТБнинг ФМ мутахассислари, ЧКБТ рахбарлари, мактабларнинг Ёшлар иттифоки етакчилари, байналминал жангчилар, Чернобель АЭС авариясини бартараф этиш катнашчилари, нафакадаги харбийлар, ФВБ харбий хизматчилари хамда Ёнгин хавфсизлиги туман бўлими ходимлари, Карши тумани Мудофаа ишлари бўлими вакиллари, куткарувчилар иштирок этишди.

***Захирадаги подполковник***
***О.ХОЛИЁРОВ, Кашкадарё***
***вилояти фВБ ходими***

* * *

Навоий вилояти Навоий шахридаги 4-16-сонли умумтаълим мактабларида, шунингдек, 1-2 академик лицейларда "Мардлик ва жасорат" дарслари доирасида ўкувчи-ёшлар билан машгулотлар ташкил этилди.

Ушбу тадбирлар давомида Ватан химояси йўлида ўзини курбон килган ватандошларимиз, уларнинг босиб ўтган хаёт йўллари, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Тўмарис, Широкларнинг мардлиги ва жасорати хакида хикоя килиниб, ўз ўрнида, куткарувчилик касби хам шарафли ва масъулиятли эканлиги, ўзгалар дардига бефарк инсон куткарувчи бўла олмаслиги хусусида маъруза ва тушунтириш ишлари ташкил килинди.

Бундан ташкари, Навоий давлат педагогика институтида хам "Мардлик ва жасорат — мардларнинг иши" шиори остида талаба-ёшлар билан машгулотлар ўтказилди. Тадбирларда жами 2 мингдан ортик ёшлар иштирок этдилар.

***Кулкар КАМРОЕВА, Навоий вилояти ФВБ ходими***

# МЎЙНОКДА ХАЁТ КАЙНОК

Мўйнох... Бу сўзни эшитганимизда, кўз олдимизда бутунжахон олдида улкан муаммога айланган орол денгизи фожиаси, шу билан бирга,ўзининг изҒирин совухлари-ю жазирама иссиҒи билан инсонни хайратга соладиган маскан намоён бўлади.



Мухтарам Президентимиз ташаббуси билан бугун ушбу гўшада бошланган эзгу амалий саъйхаракатларда барча сохалар хатори Фавхулодда вазиятлар вазирлиги тизими ходимлари хам "хамишдан бел боҒлаганлар".

Гарчи совух, изҒирин булйшига харамай, хашарчиларнинг эзгу ишга бўлган хайнох мехри бу масканни ўз тафти билан иситмохда.

Шубхасизки, Корахалпогистон Республикаси Мўйнох тумани Оролбўйи худудларида экологик вазият бархарорлигини таъминлаш, юз бериши мумкин бўлган фавхулодда вазиятларнинг олдини олиш юзасидан амалга оширилаётган чоратадбирларни, хашарчиларнинг фидойилиги, мардлиги-ю матонатини тахсинга сазовор дейиш мумкин.

Хозирда ушбу худудда КорахалпоҒистон Республикаси шахар ва туманлари Ўрмон хужалиги бўлими ва Ободонлаштириш бошхармалари ходимлари, махаллий ахоли иштирокида саксовул уруҒини йиҒиш ишлари амалга оширилмохда. Туман Ўрмон хўжалиги бўлими томонидан ташкил хилинган кўчатхонада эса экишга тайёрланган ер майдонига саксовул уруҒини хадаш билан бОҒлих ишлар олиб бориляпти.

Тадбирлар давомида асосий эътибор жалб хилинган ўхарих олувчи техниклар ёрдамида саксовул уруҒини экиш учун ўхарихлар хазиш; хамиш поялари бОҒламларидан иборат шамолдан химоя механизмини ташкил хилиш; махсус техника ёрдамида саксовул уруҒини экиш жараёнларига харатилмохда.

Бугунги кунда саксовул экиш учун жами 223668 гектар ер майдони тайёрланди, шундан 53205 гектар ер майдонига 232665 кг. саксовул уруҒи экилди. Экиш жараёнларида АН-2 самолёти имкониятларидан самарали фойдаланилиб, 17130 гектар ерга 52290 кг. саксовул уруҒи хадалди. Шу кунга хадар жами 622500 кг. саксовул уруҒи тайёрланган. Шундан махаллий ахоли томонидан 70349 кг. саксовул уруги терилган.

Уруглик захирасига эътибор харатадиган бўлсак, Навоий вилоятидан 103100 кг. (69900 кг. саксовул уруги келтирилади), Бухоро вилоятидан 196700 кг. (51300 кг. саксовул уруги келтирилади), Корахалпогистон Республикаси шахар ва туманларидан 173100 кг. (80200 кг. саксовул уруги келтирилади), Кашхадарё вилоятидан 35900 кг. саксовул уруги тайёрланиб, олиб келинди.

Оролбўйи худудларида юз бериши мумкин бўлган фавхулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича Мўйнох ва Кораузак туманлари худудларида саксовул уругини йигиш, кўчат ва уруг экиш ишлари билан боглих хайрли ва савобли тадбирларга вилоятлар, шахар ва туманлар кесимидаги Ўрмон хўжалиги ва Ободонлаштириш бошхармаларидан келган ходимлар фаол жалб хилинган бўлиб, улар учун иссих кийим-кечак, палаткалар ва вагонлардан дам олиш жойлари ажратилган. Хашарчилар уч махал иссих овхат билан таъминланмохдалар. Шунингдек, уларнинг кундалик ва маиший эхтиёжлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

Шунга жавобан барча хашарчилар хар лахзада фидойилик билан мехнат хилмохдалар. Уларнинг барчаларида ягона эзгу ният: у хам бўлса, Ватанимизда истихомат хилаётган хамюртларимиз учун зарур хаёт омилларини яратиш, она табиатимизни турли хавф-хатарлардан муносиб мухофаза хилиш.

***Подполковник С.УТЕМУРАТОВ,***
***Цорацалпогистон Республикаси ФВБ АТХ бошлиги***

# МАРДЛИК МАДХИ

Хамкасбимиз Рахимов Рустамбек Рўзибоевич Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг 27 йиллиги муносабати билан Президентимиз Фармонига кўра, "Шухрат" медали билан тахдирланди. Унинг муносиб тахдирланиши фахат ўзи ва оила аъзоларинигина эмас, балки бутун бошхарма шахсий таркибини бирдек хувонтирди.

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки хахрамонимиз ўзининг камтарлиги, мехнатсеварлиги, изланувчанлиги хамда рахбарият томонидан берилган топширихларни ўз вахтида виждонан бажариши ва жамоат ишларида фаол иштирок этиши билан жамоадошлари орасида чухур хурмат хозонган.

Рустамбек 1982 йил 20 октябрда, Андижон шахрида тугилган. Ўрта мактабни битиргач, 2000 йилда 3-касб-хунар коллежини имтиёзли тамомлаган. 2003 йил 5 апрелдан вилоят Фавхулодда вазиятлар бошхармасида хизмат хилиб келмохда. Эгаллаб турган лавозими, яъни хутхарув-отряди уста-гаввос хутхарувчиси вазифасида 2008 йилдан бери хизмат хилмохда.

Хар хандай вазиятда инсонлар хаётини сахлаб холишдек эзгу хизмат халоскорларга хос фазилат.

Бизнинг хахрамонимиз хам 16 йилдан буён мана шундай шарафли касбнинг фидойиси бўлиб, хизмат хилмохда.

Кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, байрам арафаларида яхинлари даврасида, байрам дастурхони атрофида эмас, балки иш жойида хизматда туриш улардан метин ирода, кучли сабр ва матонатни талаб этади.

Рустамжон хам ўз хизмат фаолияти давомида кўплаб хамюртларимизнинг хаётини сахлаб холиш, фавхулодда вазиятларнинг олдини олиш, охибатларини бартараф этишда жонбозлик намуналарини кўрсатган.

- Ушбу мукофот нафахат менинг, балки барча хамкасбларимнинг ютугидир, - дейди Рустамжон. - Чунки бунда хар бир хамксбимнинг ўзига хос хиссаси бор. Бу мукофот мени янада хушёрроx бўлишга, она юрт хамда халхимиз олдидаги бурчимни виждонан, сидхидилдан бажаришга, хар хандай бало-ю офатга бас келиб, ахоли ва худудлар хавфсизлигини таъминлаш йўлида фидокорона хизмат хилишга ундайди.



Биз хам шу ўринда "Шухрат" медали совриндори Рустамжон Рахимовга бундан хам юксак мукофотлар сохиби бўлишни тилаган холда, эл-юрт тинчлиги ва мухофазаси йўлида асло чарчамаслигини Яратгандан сўраб холамиз.

Истардикки, хар биримиз юрт тинчлиги, Ватан равнахи, халхимиз фаровонлиги йўлида олиб борган камтарона хизматларимиз ортидан ана шундай юксак эътибор ва эътирофга мушарраф бўлайлик.

***Назирахон ДАДАБАЕВА,***
***Андижон вилояти фвБ ходими***

# МАШҚЛАРДА ТОБЛАНИБ

Андижон вилояти Кўр^онтепа тумани Дардох хишлоги "Нодира" МФЙда хиш мавсумида ахоли пунктлари, иж тимоий-ихтисодий объектларни электр энергияси, табиий ва суюлтирилган газ хамда кўмир ёхилгиси билан узлуксиз таъминлаш тизимини ташкил этишга багишланган кўргазмали махсус-тактик ўхув машхи ўтказилди.

Тадбир икки босхичда, назарий ва амалий хисмларда бўлиб, биринчи босхичда мавзуга оид ўхув семинари ташкил этилди. Семинарда вилоят ФВБ ходимлари хамда Кўргонтепа тумани масъул хизматлари рахбар ходимлари ва мутахассисларининг кун тартибидаги масала юзасидан маъруза ва ахборотлари тингланиб, таклиф ва тавсиялар хабул хилинди.

Иккинчи босхичда туман газ таъминоти корхонаси 2 та махсус юк ташиш техникасида келтирилган 200 дона суюлтирилган газ баллонларини ахолига тархатиш давомида фухароларга суюлтирилган газни етказиб бериш тартиби, шартнома тузиш, ўйурихномадан утказиш, газ баллонини ижарага бериш, уни тўлдириш ва истеъмолчи хонадонига етказиб бериш, ўрнатиш ва ишлатиш, фойдаланишда хавфсизлик хоидаларини таъминлаш ва яна бошха харакатлар амалда кўрсатиб берилди.

Сўнгра гурухларга бўлинган холда "Нодира" МФЙ худудида, кўчалар кесимида туман Ёнгин хавфсизлиги бўлими ва Ёнгинга харши курашиш жамияти ходимлари томонидан 64 та ахоли хонадонларидаги иситиш печларининг дудбуронларини техник кўрикдан ўтказиш, табиий, суюлтирилган газ, кўмир ва бошха ёхилгида ишлашга мўлжалланган печларнинг бархарор ва хавфсиз ишлашида амалий ёрдам бериш, электр таъминоти тизимида юзага келиши мумкин бўлган аварияларни тезкорлик билан бартараф этиш бўйича ахоли хонадонларида рейдлар ташкил хилинди.



Ўхув машхига вилоят, шахар ва туман хокимликларининг куз-хиш мавсумига тайёргарлик кўриш ва беталафот ўтказиш штаби, хокимликлар Фавхулодда вазиятларнинг олдини олиш худудий комиссияси, доимий тайёргарликдаги масъул хизматлари хамда коммунал авария-тиклаш гурухларининг куч ва воситалари жалб хилинди.

***М.РАЦИМОВ,***
***Андижон вилояти ФВБ ходими***

# кишлок ХУЖАЛИГИ МЕТЕОРОЛОГИЯСИНИНГ ИЗОХЛИ ЛУГАТИ

**(Давоми. Боши ўтган сонларда)**

**Д**

**Хароратнинг баркарор ўтиш саналари.** Таквим йили давомида, шунингдек, ўсимликларнинг ривожланиши учун хос куйи чегарага эга бўлган [вегетация даврининг] бошланиши ва тугаши даврида ўртача суткалик хаво харорати даражасининг кўтарилиш ёки пасайиш даврлари билан ифодаланади. Х.б.у.с. хароратнинг турли хадлари (0, 5, 10, 15, 20 $^0$С) оркали ўртача суткалик харорат даржаларининг у ёки бу хаддан мусбат ва манфий томонга силжишларини таккослаш оркали аникланади. Бахордаги 0, 5, 10, 15, 20 $^0$С оркали Х.б.ў.с. сифатида, харорат даражаси мусбат силжишларининг йигиндиси, кейинги даврларнинг кайси бирида бўлмасин, манфий силжишлар йигиндисидан ортик бўлган фаслнинг биринчи куни олинади. Куздаги 0, 5, 10, 15, 20 $^0$С оркали Х.б.ў.с. сифатида, харорат даражасининг манфий силжишлари йигиндиси, кейинги даврларнинг кайси бирида бўлмасин, ана шундай мусбат силжишлар йигиндисидан ортик бўлган фаслнинг биринчи куни олинади. Х.б.ў.с. ни аниклашнинг бошка: ўртача ўн кунлик даража бўйича график усулда ёки интерполяция формуласи ёрдамида; ўртача ойлик даража бўйича график усулда ёки интерполяция формуласи ёрдамида (ўртача кўп йиллик) услублари хам кўлланилади.

(Кельчевская бўйича, 1971.)

Х.б.ў.с. дан агрометеорологлар ва агроиклимшуносларнинг илмий ва тезкор-ишлаб чикариш ишланмаларида фойдаланилади.

**Дехкончилик учун хавфли зона.** Локал, минтакавий худуд (ёки географик зона) бўлиб, ундан мунтазам равишда ўсимликшунослик учун фойдаланиш к.-х. экинлари хосилини кисман ёки тўлик йўкотиш хавфи билан боглик. Бу эса биринчи навбатда иссиклик ва/ёки табиий намланганликнинг етишмаслиги, кеч кузги ёки эрта бахорги нобуд килувчи кора совук; чанг (кум) бўронлари билан, тез-тез содир бўладиган, узок муддатли, жадал кур^окчиликлар ва х.к. билан богликдир.

**Дендроиклимшунослик** (грек. dendron - дарахт). Иклимшуносликнинг бир бўлими бўлиб, дендрология, ўрмоншунослик, ёгочли жинслар экологияси ва иклимшунослик туташган жойда ривожланиб, локал иклимларнинг тарихий давр оралигида ўзгаришини ёш халкаларнинг калинлиги (кенглиги) бўйича (асосий тананинг радиал ўсишини) тадкик этади. Ёгоч ўсимликларнинг бир йиллик радиал халкасининг катталиги факат иклимга оид омилларга (куёш фаол - лиги, намланганлик, харорат даражаси) боглик бўлиб колмасдан, балки ўсаётган муайян жойига, дарахт турининг биологик хусусиятларига хам боглик.

(Битвинскас бўйича, 1974.)

**Денитратланиш.** Нитратларнинг молекуляр азот ($N_2$) даражасигача микробиологик ва кисман кимёвий кайта тикланиш жараёни. Тупрокда,сувда, сув хавзаларининг тубидаги тупрокда кенг таркалган. Нитритлар ($HNO_2$) ва азотнинг оксидланиши ($N_2O$) хосил бўлишидан иборат бир неча боскичда содир бўлади. К.-х. ишлаб чикариши учун зарарли, чунки [тупрок] [азотни] йўкотишига олиб келади. Д. Нихоятда намланган, аэрациялашуви ёмон тупрокларда анча жадал кечади.

(К.-х. энциклопед. лугати бўйича, 1989.)

**Десикантлар (лот. desicco - куритаман).** Ўсимликлар тўкималарини сувсизлантирадиган кимёвий дорилар бўлиб, бу жараён етилишни тезлаштириб, хосил йигиб олинишини енгиллаштиради. Пестецидлар каторига киради. Д. протоплазма коллоидларини парчалаб ташлайди, бу эса хужайраларнинг сувни тутиб туриш лаёкатини сусайтиради, ўсимликдаги богланган сувнинг микдорини камайтиради ва бугланишни кучайтиради, терим машиналарининг ишлаши учун кулай шароит яратади. Айникса, нам обхаво шароитида яхши самара беради. У пахтани, шолини, бугдойни, кунгабокарни, сояни, картошкани, канд лавлаги уруглигини теримдан олдин куритиш (десикация) учун ишлатилади. Д. сифатида магний хлорат, калций хлорат-хлориди, реглон кабилардан фойдаланилади.

**Десикация.** Ўсимликларни йигиб-териб олишдан аввал экинларга хар турли кимёвий дорилар сепиш оркали етилишни (5-7 суткага) тезлаштириш хамда хосил теримини енгиллаштириш максадида уларнинг куритилиши.

**Дефолиантлар (лот. de - ажратиш, узоклаштиришни англатуви олд кўшимча, folium - барг).** Пестицидлар гурухига кирувчи кимёвий дорилар бўлиб, баргларнинг муддатидан олдин сунъий равишда кариши ва барг тўкилишини таъминлайди - бу тўкималарда хлорофилл ва сув таркибининг пасайиши, органик моддаларнинг янгиланиши бузилиши натижасида, оксил моддаларнинг парчаланиши жадаллашуви, тўкималарнинг вактидан аввал кариши окибатида содир бўлади.

*(Давоми бор)*

*Аъло АБДУЛЛАЕВ,*
*Малокат РЎЗИЕВА*

# СИЗГА ЎХШАГИМ КЕЛДИ

Шогирдлар калбида мехр уйготолган устоз - шарафларга лойикдир,-дейилади хикматлар китобида. Кахрамонимиз Абдукаххор Рахмонов ана шундай шарафга муносиб устозлардан.

У 1971 йили Ўзбекистон тумани Нурсук кишлогида таваллуд топган. Болалигидан аъло бахоларга ўкиган Абдукаххор ака яхши педагог бўлишини юрагига туккан эди. Ўша ойдин орзулар уни 1992 йили Кўкон давлат педагогика институтига етаклади.

Максадлари рўёбга чикаётганини англаган устоз олийгохда хам дўстларига ўрнак бўлди. Тиришкоклиги, билимга чанкоклиги, жамоат тадбирларидаги фаоллиги билан устозлар назарига тушди. Хуллас, таълим даргохининг кўзга кўринган, шижоатли талабаларидан бирига айланди. Шахар, вилоят микёсидаги тадбирлар, талабалар ўртасидаги билимлар беллашуви унга янада канот багишлади. Тарихга кизикувчанлиги, шу сохада тахсил олаётганлиги сабабли юртимиз тарихини чукуррок ўрганишга киришди. Туман, шахар, вилоят, хатто республика микёсида чоп этиладиган вактли матбуот сахифаларида ўз илмий маколалари, изланишлари билан кўрина бошлади. Мактаб давридаёк "Сиз тарихингизни биласизми?", "Тарих ва келажак", "Мен севган касб", "Ўзбекистон дилбандларимиз" каби танловларда муносиб иштирок этиб, голиблар каторидан ўрин эгаллаб келган Абдукаххор ака олийгохда хам ушбу анъанани давом эттирди. Олий ўкув юртлари, талаба ёшлар иштирокида бўлиб ўтган фестивалларда доимо фаол эди. Олий ўкув даргохини муваффакиятли тамомлагач, устозлар унга институтда колиб ишлашни таклиф килдилар. Аммо кишлок йигити, ўзи тугилиб ўсган гўша, киндик кони тўкилган кишлокка кайтиши, падари бузруквори Абдуллажон ака айтганидек, ўз махалладошларига хизмат килишни афзал билди. 1997 йили у катта хаёт йўлига кадам ташлаб, Нурсук кишлогига кайтди. Ана шундан буён тумандаги Каримдевона кишлогида жойлашган 8-умумтаълим мактабида ёш авлодга тарих фанидан сабок бериб келмокда. Бугун Абдукодир ака билан нафакат кишлок ахли, бутун тумандошлари фахрланиб келади. Сабаби у таълим тизимига, ёш авлод тарбиясига юрагини берди.




Педагоглик, бу — саодат калити, бахт тимсоли. Йиллар кетидан йиллар ўтаверади. Кечагина устозлар каршисида кичкинагина талаба — бугун устоз макомига эришди. У сабок берган ёшлар вилоят, республика микёсидаги фан олимпиадалари, билимлар беллашувида юкори ўринларни кўлга киритди. Ўттиздан ортик олийгохларда тахсил олмокда. Абдукаххор Рахмонов билан гаплашган, унинг кўнгил оламига сайр этган киши, устозинг очиккўнгил, билимдон, камтар, одамохунлигига амин бўлади. Унинг теран нигохи хамиша эзгу ишларга каратилган. Ўзбекистон туманидаги 8-умумтаълим мактаби, вилоят микёсидаги пешкадам зиё масканларидан. Мактабда ўкувчилар учун барча шароитлар мужассам. 30 дан ортик фан ва спорт тўгараклари ишлаб турипти. Абдукаххор ака дарсдан сўнг "Тарих" ва "Ўлкамизни ўрганамиз" тўгаракларини бошкариб келади. Эртадан кечгача болажонлар мехри унга куч-кувват багишлайди. Олийгохда тарих фанлари номзоди (мархум) Эгамназар Бозоров "Абдукаххор келажакда яхши муаллим бўлади, бизга шу йигитдек тиришкок, жонкуяр, билимли мутахассислар керак", - деган эди.

Домла айтганидек, А.Рахмонов ана шундай ўз касбини фидойиси бўлиб шаклланди. Абдукаххор аканинг ютукларида мехрибон, кадрдон устозлари Хамдамали Отабоев, Маъруфжон Собиров, Одилжон Хакимовларнинг хизматлари бекиёс. Содик шогирд уларга хамиша таъзим билан яшайди. Ўта камтарин Абдукаххор ака "Мен жуда бой одамман. Чунки ота-онам хаёт, дуогўйларим менинг суянчигимдир", деган эди.

Бугун Абдуллажон ака ва Мунаввархон аялар ўгилларининг ютукларидан, хаётда ўз ўрнини, касбини топганидан жуда мамнун. Чунки захматкаш устоз, деган номга муносиб бўлиш учун метин ирода, билим, сабр-токат ва касбга иштиёк бўлмоги керак.

Абдукаххор ака бирор-бир ишга кўл урса, дарров ошкор килавермайди. У анча йиллардан буён Кўкон, Нурсух тарихи билан кизикиб келади. Янги маълумотларни бахоликудрат ок когозга тушираётганлигини якинларидан эшитдик. Насиб этса тарихга кизиккан шогирдлар, махалладошлари, хамкасблари учун мўжазгина кўлланма чоп этса ажаб эмас. Чунки бу максад талабалик давридаёк тугилган эди. Оиланг тинч, бахт кўр^онинг мустахкам бўлса, илмли одам зиё томон одимлайверади-да. Абдухаххор аканинг маълум маънодаги муваффахиятларида турмуш ўртоги Мархобахон опанинг хам алохида хизматлари бор. Чунки устознинг хар бир ташаббусини кўллаб-кувватлаб келадиган аёли, такдири азалдан, муносиб бахтдан мамнун. Чунки уни тушунадиган, оилапарвар Абдукаххор акадек самимий одам билан умргузаронлик килаётганини ўзи, у аёл учун саодат. Икки инсон уч фарзандни окил, одобли, билимдон килиб тарбиялашга киришган. Кахрамонжон, Кобилжон, Аброржонлар устозининг давлатидир.

Маколани коралар эканман, кани энди шундай мехридарё устозлар сафи кенгаяверса, деб орзу килдим. Ўйлайманки, жамиятимизда, айникса, таълим тизимида Абдукаххор Рахмоновдек устозлар бор экан, ёшларимиз маънавий баркамол, тафаккури кенг бўлиб улгаяверади. Шундай кунлар келадики, бу ёшлар орасидан Навоийлар, Бобурлар, Берунийлар, Мирзо Улугбеклар етишиб чикади. Биз бунга ишонамиз.

*Аббосбек МЎМИНОВ,*
*ижодкор*

# ВАТАНПАРВАРЛИК ОЙЛИГИ ДОИРАСИДА

Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2018 йил 13 декабрь кунги "Ўзбекистан Республикаси Куролли Кучлари ташкил этилганлигининг 27 йиллиги *амда Ватан ^имоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўгрисида"ги Ф-5413-сонли Фармойиши асосида юртимизда "Ватанпарварлик ойлиги" эълон килинди.

Гарчи мазкур Фармойиш билан тасдикланган Ишчи гуру* таркибидан Харбий прокуратура органлари жой олмаган бўлса-да, Ўзбекистон Республикаси Харбий прокуратураси ва *удудий харбий прокуратуралар ходимлари томонидан ватанпарварлик ойининг ўтказилишида фаол иштирок этиб келинмокда.

Хусусан, Харбий прокуратура ходимлари томонидан ўз хизмат *удудларида жойлашган мактабгача таълим ва умумий таълим муассасалари, харбий ша*арчалар ва бошка ташкилотларга *удуддаги харбий кисм ва муассасалар вакиллари билан чикишлар амалга ошириб, ёшларни ватанпарварлик ру*ида тарбиялаш, фукаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш, Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг ўрнини *амда Ватан *имоячилари куни байрамининг фукароларимиз *аётида тутган а*амиятини республикамизда яшовчи *ар бир юртдошимизга, *ар бир оилага етказишга каратилган маъруза, су*бат ва тадбирлар ташкил килинмокда.

Ушбу тадбирларда Куролли Кучларда амалга оширилаётган исло*отлар ва эришилган ютуклар, харбий хизматчиларнинг ижтимоий *имояси ва уларга берилаётган имтиёзлар, кўрсатилаётган рагбатлантиришлар юзасидан тўлаконли маълумотлар етказиш ишлари йўлга куйилган.

Шунингдек, харбий прокуратура ходимлари томонидан назорат *удудларида истикомат килган, ўз хизмат вазифасини бажариш чогида ва - фот этган харбий хизматчиларнинг оила аъзолари, харбий пенсионерлар *олидан хабар олиниб, уларни ру*ан кўллаб-кувватлаш, шу билан бирга, атрофдагилар, энг аввало, ёшларга Ватан учун килинган жасоратни *еч ким *еч качон унутмаслиги уктирилмокда.

Бухоро харбий прокуратураси томонидан *ам "Ватанпарварлик ойилиги" доирасида Бухоро вилояти Согликни саклаш бошкармаси билан *амкорликда 2019 йил 8 январь куни Бухоро ша*ридаги марказий поликли - никада Бухоро ша*рида жойлашган харбий кисм ва муассасалар харбий хизматчиларнинг оила аъзолари *амда фарзандлари чукурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Тиббий кўриклар жараёнида уларга малакали шифокорлар томонидан тиббий хизматлар кўрсатилди ва масла*атлар берилди.

Фармойиш ижросини таъминлаш жараёнида харбий хизматчиларнинг оила аъзолари ва фарзандларини ижтимоий кўллаб-кувватлаш, саломатликларини му*офаза килиш, *арбийлар оилаларида соглом турмуш тарзини шакллантириш, фарзандларини ватанпарварлик ру*ида камол топтириш, онги ва маданиятини юксалтириш ва яна катор эзгу саъй-*аракатларнинг мазмуни кенг оммага етказиб келинмокда.

Бундай тадбирлар келажакда ёшларимизнинг харбий хизматга нисбатан ме*ру му*аббати, давлатимиз ва халкимизга ишончининг янада ортишида ўзига хос а*амият касб этади, албатта.

***Адлия подполковниги Д.ТЎРАЕВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Харбий прокурорининг жамоатчилик билан алокалар ва хукукий ахборот бўйича катта ёрдамчиси***

# САРҲИСОБ

Навоий кон-металлургия комбинати Давлат корхонаси Ёнгин хавфсизлиги бошкармасида ўтган 2018 йил якунига багишланган йигилиш бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнгин хавфсизлиги бош бошкармаси бошлигининг ўринбосари подполковник Абдишукур Ру-



зиев ва кадрлар бўлими бошлиги подполковник Алишер Абиджановлар иштирок этдилар. Тадбирда янги 2019 йил ўтган йиллар давомчиси сафатида му*тарам Президентимиз томонидан "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" деб эълон килинганлиги ало*ида эътироф этилди.

Шундан сўнг бошкарма бошлигининг ўринбосари подполковник Алижон Наврўзов маъруза килди. Маърузада бошкарма ва унинг куйи тизимлари томонидан ўтган 2018 йил давомида амалга оширилган ижобий ишлар билан бир каторда, камчиликларга *ам йўл кўйилганлиги айтиб ўтилди. Камчиликлар бўйича та*лилий му*окамалар олиб борилиб, 2019 йилда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Бошкарманинг 2018 йил 3 декабрь кунидаги НКМК Давлат корхонасига карашли объектларда кўрик-танлов ўтказилишини ташкиллаштириш тўгрисидаги буйругига асосан, "Ёнгинга карши полати намунали бўлган объект" номинацияси бўйича голибларни такдирлаш маросими ташкил килинди. Унда танлов шартларига кўра Навоий машинасозлик заводи ишлаб чикариш бирлашмаси фахрли 1-ўринга лойик топилди. 2-ўринни Учкудук туманида жойлашган 3-Гидрометаллургия заводи эгаллади, 3-ўрин Зарафшон ша*ар саноат майдонидаги "Шахта-м" объектига насиб этди.

Голиблар Навоий кон-металлургия комбинати Ёнгин хавфсизлиги бошкармаси ва вазирлик Ёнгин хавфсизлиги бош бошкармаси ра*барияти томонидан диплом, ташаккурнома ва эсдалик совгалари билан такдирландилар.

***Катта сержант Маъруфжон ХАЙИТОВ, НКМК ДК Емғнм хавфсизлиги бошкармаси мухандиси***

# МЕ*Р КУЁШИ

Таникли шоира Турсуной Содикованинг бир ибратли сўзлари бор эди: "Аёл - жамият гултожи, ме*ринг устуни, авлодлар давомчиси, рўзгор фариштаcаларидир".

Хакикатан *ам, аёл - мўътабар *илкат, *ар кандай даврда улугланган, ардокланган. Улар-сиз ўтаётган нурафшон ла*заларни тасаввур этиш кийин.

Бугун *ар бир ўзбек аёлини зотан ка*рамон дейиш мумкин. Чунки улар шу юрт учун фидойи, жасур, мард ўглонларни тарбиялаб келмокда.

Аёл зоти олдида барчамиз таъзимдамиз. Жамиятимизда шундай аёллар борки, улар босиб ўтган шарафли *аёт йўлининг ўзи бир китоб гуё.

Кундузхон Умарова - Бешарикнинг ардокли, жонкуяр, ме*наткаш аёлларидан. Бутун умрини ёшлар тарбиясига багишлаган инсон. Кундузхон ая 1962 йили Заркайнар кишлогида таваллуд топган. 1987 йили Тошкент вилоятидаги Педагогика билим юртида та*сил олган. Сўнгра Кўкон давлат педагогика институтининг мактабгача оилавий таълим факультетида ўкишни давом эттирди. 2005 йили "Дилрабо" МТМда энага, тарбиячи, услубчи, *атто мудиралик лавозимларида ме*нат килиб келди. Тиришкоклиги, ташаббускорлиги билан эл назарига тушган устоз тумандаги 38-, 35-, 29-болалар богчаларида шогирдларга устозлик килди.

МТМлар ўртасида ўтказилган "Болажонлар — бахтимиз", "Кичкинтой — ширинтой", "Болажонлар — кувончимиз" каби танловларда у ра*барлик килаётган муассаса *амиша голиблар каторидан ўрин эгаллаб келди. Со*а мутахассислари ўртасида ўтказилган туман, вилоят мусобакаларида *амиша пешкадам бўлди. Кундузхон Умарова туманнинг жамоатчи аёлларидан бири сифатида ўзини кўрсата олди. Худудда миллий кадриятларимиз, анъаналаримизнинг ривожига муносиб улуш кўшди. Туман "Ма*алла" жамгармаси Ёшлар иттифоки томонидан ташкил этилган "Кексалар ардогимизда", "Шу азиз Ватан - барчамизники!", каби кўрик-танловларда ма*алла ёшлари, хотин-кизлари билан иштирок этиб, бир неча бор эсдалик совгалари, фахрий ёрликларни кўлга киритди. Туман хотин-кизларининг етакчиларидан бирига айланди. У каерда, кайси муассасада ишламасин, жажжи кичкинтойларга ме*рини, юрагини берди. Шунинг учун *ам ма*алладошлари уни "Болажонлар бувижониси" дейишади.

Муассаса, таълим дарго*ларини ободонлаштириш, намунали кўчаларни кўкаламзорлаштириш, манзарали дарахтлар билан безашда Кундузхон аянинг *ам муносиб *иссаси бор. 2013 йили Бешарик тумани "Бешарик" КФЙда бош масла*атчи сифатида иш бошлади. Ма*алла аёл - ларини ишга жойлаштириш, рўзгоридан хабар олиш, кам таъминланган хонадонларни йўклаш аянинг кундалик режасига айланди.

Хуллас, ме*нат килган инсон кам бўлмас экан, бугунга келиб, туманнинг эътиборли, эъзозли онахонларидан бирига айланди. Хозир ^ам ма^алланинг фаолларидан бири. Байраму тантана, тўй ва маъракалар Кундузхон аясиз ўтмайди. Чунки ёшлар *амиша аянинг ўгитларига мушток:

*Буюклиги шунда аёлнинг,*
*Мехр берсанг, кўкда учади.*
*Келажакнинг бунёдкори у,*
*Умр бўйи бешик кучади.*
*Буюклиги шунда аёлнинг,*
*Оташ багри тошни эритгай.*
*Икки йўлда жонидан кечиб,*
*Ўгил-кизни кўлингга тутгай.*

***(Сойиб Мирзо)***

Кундузхон аянинг оиласига барчанинг *аваси келади. Хакикатан *ам, намунали, сариштали сулола. Уч фарзанд ва набиралар хонадон кувончи. Ота-онанинг ибратли ишларидан ўрнак олган фарзандлар *ам ўкимишли. Жамият ривожига ўз ^иссаларини кўшиб келишмокда. Дилкаш кўшнилар, кадрдон кудалар, дарёкалб ма^алладошларининг дуосини олган фарзандлари ^ам бугун эл назарида.



Ўзбекистон халк шоири Тўра Сулаймон "Яхши шогирдлар - устознинг изидир" деган эди. Бугун Кундузхон Умарованинг нечалаб шогирдлари туман халк таълими, мактабгача таълим муассасаларининг тараккиётига муносиб улуш кўшиб келаётир. Яхши устоз бамисоли богбон, шогирдлар эса ни^олдир. Ўйлаймизки, бу ни^оллар богбоннинг ибратли, саховатли ишларини муносиб давом эттиради. Кундузхон ая сингари болажонлар калбига ме*р уругини соча олади.

Кундузхон Умарованинг орзулари мўл. У *ам бўлса, ма^алла коригa яраш, элдан олган ме^рини ўз элига, издошларига тортик этиш. Шу орзуларга кўшимча килиб, айтмокчимизки, шу дилкаш, дарёдил онахонимиз фарзанд, невара ва чевараларининг яхши кунларини, бахту саодатини кўришсин. Турмуш ўртоги Комилжон Эркабоев билан комил фарзандларни тарбиялайверсин. Оила кувончи - Камолахон, Озодахон, Юлдузхонларга онажонисидек эл фарзанди бўлиб юриш насиб этаверсин.

***Максад ОБИДЖОН, ижодкор***

# БИРОВНИНГ *АККИ

*(Хажвия)*

Ба*рул Мансурнинг "Кўнгил очар" хусусий корхонаси ташкил бўлганига чорак асрдан ошди. Ишни биринчилардан бўлиб бошлагани учунми, аввалига бир оз кийналди. Ба*рул йўлини топди. Амалдорлар оёгига бош урди, мушукдек суйкалди. Каттакон зотига куллук килиш, илондек авврашдан тортиб, огзини "мойлаш", чўнтагига "жойлаш"гача бўлган "нозик" ишларнинг *адисини олди. "Еган огиз уялади". Еган амалдор — мутта*ам. Тепадагиларнинг тилини кисик килиб кўй-да, сўнг пастдан ишингни битказавер экан. Начора? Замона зайли шу.

...Ба*рул Мансур *укми "зўрларни" кўлга олди, "Улишхўрларга" улишини тутказди, бевакт "*урган"ларга суяк ташлади. Колган кичик "бошликча"ларнинг хизматини килди. "Кўнгил очар" корхонасига таклиф этиб, кўнглини олди. Карабсизки, "Кўнгил очар" оёкка туриб, каддини кўтариб, уч-тўрт йил деганда ша*ри азимда "Машъал" корхонасига айланди-кўйди. Ба*рул Мансурнинг *ушомадгўйлари, "мaддо*у", "лайча"лари сони кўпайгандан-кўпайди-ей!

"Ерни сув, одамни пул бузади" дейишади. Мактов, олкиш *ам бузар экан. Тавба "Киргийнинг остидан тухумини олиш"га устамон Ба*рул Мансур кўп ўтмай пойтахтга ишга таклиф килинди. Кутар-кутар, *амду сано, олкиш карсаклар... Ширин хушомадлар огушида сармаст шерга айланган Ба*рул Мансурнинг кўзини ёг босди. Оёги ердан узилди.

Худо берса, кўшкўллаб берар экан "Кўнгил очар" корхонаси "гуллаб-яшнади". Хазинада худди кузги хазон япрокларидек пул ёгила бошлади. Ба*рул Мансур ранг-баранг автоуловлар, кўша-кўша *овлижойлар сотиб олди. Осмонўпар касрлар курди. Етти пуштига етадиган бойликтўплади. Бирок "Кўнгил очар" корхонасидаги жафокаш ходимларнинг кўнглига чирокёкса *ам ёришмади. "Осмондан арпа ёгилса *ам, эшакнинг *аки нимча" деганларидек, кораме*натчиларнинг маоши айтишга уятли. "Ит туймайди, эшак семирмайди".

"Корни тўкнинг корни оч билан не гами бор" деганлари шу бўлса керак-да". Ўз *акини сўрашга жабрдийдаларнинг юзи чидамайди. "Андишанинг оти — кўркок". Бунинг устига *акорат, дўк-пўписа. Чидаганлар чидайди, бардошсизрок ходимлар аразлаб кетиб колишади, ўрнига янгилари келишади. Шароитга кўнишади. Кўнишмаса ана — катта йўл. "Кўнгил очар", Ба*рул Мансурнинг шахсий мулки. Ходимларнинг *акига келса, Худодан кўркмаган бировнинг закидан кўркармиди?

Лекин битта асл *акикат бор. Яратган Эгам бандасининг умри давомида килган гуно*ларига жазони ё *аётда,ё охиратда берар эмиш...

**Бобоцул УСМОН, Шофиркон**

# УМИДЛИ КАДАИЛАР



Таникли шоира, публицист, мур*ум Замира Эгамбердиеванинг кўнгил битикларида шундай сўзларни ўкиган эдим: "Кутилмаган ташбе*ларим, баъзан янги гапларни ёш ижодкорларнинг асарларида учратиб коламан", - деган эдилар. Замирахон *ак, чунки ёш истеъдодларнинг онгу тафаккури *аётнинг барча рангларини як.к.ол англайди. Ундайларнинг келажакда адабиёт бўстонида ўз йўли ва овозини топа олишига ишонамиз. Мен бугун назм дарёсига атак-чечак кадам ташлаётган, ёш бўлса-да, жуда нотик кизимиз Гулираъно Анварова *акида тўхталмокчиман.

Бу ёш ижодкор *акида устози шоир Сойиб Мирзодан жуда кўп илик фикрлар эшитганман. Колаверса, унинг "Кўклам кулгуси", "Кўнгил чечаги" каби китобларини ўкиб чикдим. Ёш *аваскор кизимиз *акида нималардир коралашга киришдим. Шеърларини кўздан кечиргандан сўнг Гулираъно билан учрашиб, у билан келажак орзулари, ижоддаги янгиликлари хусусида су*батлашдим. Истеъдоднинг келажагига ишонсанг, кўнглингда кандайдир умид пайдо бўлса, уни, албатта, кўллаб-кувватлагинг келади.

Гулираъно Тошкент ша*ар Миробод туманидаги 294-мактабнинг 6-синф ўкувчиси. Ёшига монанд жуда билимдон, тиришкок, кизикувчан, серкирра ижодкор. Ўзининг айтишича, *амиша бир шиорни максад килиб олган: "Кўп ўкийман, орзуларимга етаман, Ватанимга сидкидилдан хизмат киламан". Мана шу максад уни бугун камолот сари етакламокда. Зулфияхоним, Халима Худойбердиева, Кутлибека, Зебо Мирзо, Му*тарама Улугова шеърларини севиб ўкийди. Су*батлашсангиз, мунчок кўзлари, бурро сўзлари су*батдошини асир этмасдан кўймайди. Му*ими, унга Худойим ўзгача истара *ам берган-да.

*Она аз из, она муътабар,*
*Уни севиб яшайди инсон.*
*Она, мадхинг куйлайин такрор,*
*Шеърларимда ёзаман чунон.*

Гулираъононинг аксарият шеърлари Ватан, она, дўстлик, эзгулик, бахт *акида. Мавзулар ранг-баранг, тенгдошини зериктирмайди:

*Ватаним озод, обод,*
*Юртбошим тилагидан.*
*Элим бахтли умрбод,*
*Мустакиллик бахтидан.*

Менимча, Ватан *акида ёзиш бироз машаккатли бўлса керак. Чунки, киндик конинг тўкилган тупрокни мад* этиш учун энг гўзал, энг самимий, ифорли ташбе*лар керак. Ахир Ватан *акида шунчаки ёзиб бўлмайди. Шунчаки ёзилса, биров ўкимайди. Жажжи Гулираъно ўз сўзини, фикрини айтишга интилади. Бу та*синга лойик. Шоир Сойиб Мирзо у *акида ёзган сўзбошисида: "Гулираънони тушуниш учун уни эшита билиш керак",-деб ёзган эди. Мен ижодкорни эшитдим ва осмон-осмон орзуларига ок йўл тилагим келди. Гулираъно Анварова ижодининг жуда кўп кисми фариштадек ме*рибон бувижонисига багишланган. Бунинг сабабини сўраганимизда: "Ижодимнинг рўёбга чикишида бувижонимнинг хизматлари бекиёс. Колаверса, бувижоним айтган аллалар, эртак ва лапарлар туфайли адабиётга ме*р кўйдим", - дейди у саволимизга жавобан. Унинг "Бувижоним алласи" шеърини ўкинг-а:

*Болажоним боласи,*
*Канддек ўрик донаси,*
*Бирам ширин мазаси,*
*Эркатойим меваси.*
*Алла айтай, ухласин,*
*Ухла, саришта гинам.*
*Хар куни эртак айтар,*
*Менинг фариштагинам.*

У бувижонисининг аллаларидан, *икматли ўгитларидан таъсирланиб, тўртинчи синфдаёк шу шеърларини битган экан. Юкори синфга ўтгандан сўнг бундай байтлар анча чархланди ва дуогўй бувижонисига ўнлаб чиройли мисраларни багишлаган.

Назаримизда, бу ёшлар *али ирмок. Кунлар келиб, улкан денгизлар каби мавж урсалар, ажаб эмас. Гулираъно Анварова *али ёш, ўкиши ва изланиши керак. Шундай бўлса-да, ўз фикрларимни билдиришга жазм этдим.

Бир куни катта ижодкор бўлиб, устозлар мактабини давом эттираётганда, шу сўзларимни эслаcам, ижодига канот бўлолсам, бахтли эдим. У "Каламим" шеърида шундай ёзади:

*Оппок корга беланиб,*
*Шодликларим жамлайди.*
*Орзуларга уланиб,*
*Фикрларим жамлайди.*
*Каламим гўё сирли,*
*Ижодга ундайверар.*
*Кўлимга тутиб когоз,*
*Янги шеър сўрайверар.*

Гулираъно, сенга тилагим шу: Кўлингдаги калам *еч качон ёзишдан тўхтамасин. Пайгамбар ёшидан ошган бувижонинг, бугун кўлингдан тутиб, саодат эшиклари томон етакламокда. Сен мана шу нуридийдалар орзусидаги шоира бўлиб, улгайишинг керак.

**Пўлат ХУДОЙБЕРГАНОВ,**
**Турон фанлар академияси академиги**

## ВАТАНИМ

Багрингда ўтган гул болалик чоглар,
У тотли онларни эслаб, толмайман.
Она юрт кадрига етмагай зоглар,
Ватаним, мен сенсиз яшай олмайман!
Олисда эмас бахт, гуллаган диёр,

Кузгунлар домида омон колмайман.
Багрингда *ар куним шодон, бахтиёр,
Ватаним, мен сенсиз яшай олмайман!
Кимлар элин сотди, айлаб хиёнат,
Ширин жондан кечгум, сендан тонмайман.

Аждодларимга хос мардлик, матонат,
Ватаним, мен сенсиз яшай олмайман!
Юртнинг ишки билан тулиб-тош, юрак,
Унинг чун оловга кирсам, ёнмайман.
Тинчлигинг асрамок энг олий тилак,

Ватаним, мен сенсиз яшай олмайман!
Ватан, бу — оналар дуоларидир,
Унингсиз ни*олдай гуллай олмайман.
Дилга ил*ом солган зеболаридир,
Жон ўлкам, мен сенсиз яшай олмайман!

**Капитан А.ОРЗИЕВ,**
**ФВВ Махсус мухандислик-цурилиш бошцармаси ходими**



## ВАТАН ХИИОЯСИ

Навкирон ёшингда баркамол авлод,
Хизмату *имоянг каршисида шай.
Тинчлигинг йўлида *атто берар жон,
Ватан, сени асрар ўз онасидай.
Юртнинг *имояси уларга шараф,
Сар*адлар ишончли кўлларда *ар дам.
Хар кандай хатарни айлар бартараф,
Улар бор, халкимнинг кўнгли хотиржам.
Мард, жасур ўглонлар, байрам муборак,
Сизга олий шиор бурч ва садокат.
Буюк Темур бобом издошларисиз,
Ёр бўлсин тенгсиз куч *амда адолат.

**Зайнобиддин КАМОЛОВ, ФМИ ходими**

YAIIYAT
Муассис:
Ўзбекистон Республикаси Фавкулодда вазиятлар вазирлиги

Бош му*аррир
Дилшод РАЖАБОВ

Навбатчи
Б.ВАЛИЕВ

Газета та*ририят компьютерхонасида са*ифаланди.

Газета *ар *афтанинг пайшанба куни чикади.
Топшириш вакти — 15:00.
Топширилди — 15:00.

Та*ририятга юборилган материаллар кайтарилмайди ва изо* берилмайди. Муаллифлар фикри та*ририят нуктаи назаридан фаркланиши мумкин.

Газетадан олинган материаллар манбаси кўрсатилиши шарт.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 3 январда 0096-ракам билан рўйхатга олинган.
ISSN 2091-5292
Бичими: А3, *ажми: 2,0 б.т

Та*ририят манзили:
100084, Тошкент ша*ри, Кичик *алка йўли 4 уй
Тел.: 235-58-49, (97) 430-28-48

Индекс:
якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 382

Газета "BUSINESS PRINT PLUS" МЧЖ босмахонасида босилди.
Манзил: Тошкент ша*ри, Сугалли ота кучаси, 5-уй.
Буюртма №
Бичими: А3, *ажми: 2,0 б.т
Адади — 3550 нусха